

Улкан қозіқлар ҳақида эшитганмисиз?



09:00 / 28.07.2021 4609

Жанубий Калифорния университети профессори Миллер Марокашдаги Атлас тоғлари борасида изланиш олиб борди. Изланиш натижалари 2014 йилда нашр этилди. Маълум бўлишича, мазкур тоғлар 4 км баландликка кўтарилган, аммо ер қаърига 35 км чуқурликка кириб борган. Олимлар ҳар бир тоғнинг ерга чуқур кириб борган илдизи борлигини аниқладилар. Бу илдиз жуда зич ва оғир бўлиб, ер қаърига чуқур кирган бўлади. Шунингдек, олимлар Ҳимолай тоғ тизмасини ўргандилар ва унинг илдизи ер тубига 100 км.гача кириб борганини аниқладилар. Ҳар бир тоғ илдизи билан ҳисоблаганда қозіққа ўхшайди. Ер устида озгина қисми кўриниб туради, асосий қисми ер остида бўлади. Қуръони Карим тоғларнинг шакли ҳақида хабар берган. Аллоҳ таоло Набаъ сурасида шундай деб марҳамат қилган:

أَدَاتُ وَالْأَبْجَدِ وَالْأَدْوَمَ ضَرْأَلِ الْغَجْنِ مَلَأ

«Ерни бешик қилиб қўймадикми? Ва тоғларни қозиклар» (6-7-оятлар).

Бу оят тоғлар ерга қоқилган қозик шаклида эканини таъкидлайдиган қувватли ишорадир.

Дарҳақиқат, олимлар сейсмометр (ернинг титраши, тебранишини аниқлайдиган қурилма) ёрдамида тоғни қозик шаклида эканини кўрдилар. Оятдаги қозиклар деб таржима қилинган أَدَاتُ سўзи тоғнинг шаклини бизга аниқ васф қилиб бермоқда. Чиндан ҳам бу ўта аниқ васфдир.

Олимлар 20-аср охири, 21-аср бошида аниқлаган тоғ билан боғлиқ илмий ҳақиқатни Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср олдин айтиб қўйган.

Абдуддоим Каҳел мақоласидан Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади